

## **“Катта кенагас” маҳалла фуқаролар йиғинида янги трансформатор ўрнатилди**

Учкўприк туманида аҳоли хонадонлари ва ишлаб чиқариш корхоналарида электр таъминотини яхшилаш, тизимдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳомийлик асосида “Катта кенагас” маҳалла фуқаролар йиғини худудига қуввати 160 кВА бўлган янги трансформатор пункти ўрнатилди.

Шунингдек, 10 дона янги темир-бетон таянчлари ўрнатилиб, 300 метр ҳаво тармоғи тортилди. Мазкур ишлар натижасида худуддаги 100 дан зиёд аҳоли хонадонида электр таъминоти яхшиланади.

Айни вақтда туман электр тармоқлари корхонаси мутахассислари томонидан мазкур трансформатор пунктидан чиқувчи электр узатиш ҳаво тармоғини монтаж қилиш ишлари олиб борилмоқда.

2023-01-11 14:54:26